

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ТАДБИРКОРЛАР УЧУН
МАСЛАҲАТЛАР**

УСЛУБИЙ ҚҮЛЛАНМА

«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2024

Тадбиркорлар учун маслаҳатлар. Услубий қўлланма.
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий
ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 37 б.

Мазкур услубий қўлланма тадбиркорлар учун муҳим
маслаҳатларни тўплаб, уларнинг ҳуқуқий масалаларида ёрдам
бериш мақсадида ишлаб чиқилган. Қўлланма тадбиркорлик
фаолиятини бошлаш ва юритишда зарур бўлган ҳуқуқий асослар,
меҳнат ва солиқ қонунчилиги, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш
каби муҳим масалаларни қамраб олади.

Ушбу услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

Тадбиркорлик фаолиятига оид қонунчилік ҳұжжатлари.....	5
Бизнесни бошлаш учун амалға ошириш зарур бўлган ҳаракатлар.....	6
Маҳаллада тадбиркорлик фаолиятини амалға оширишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	10
Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.....	15
Иловалар.....	18
Ижтимоий тармоқлардаги фойдали ҳаволалар.....	37

КИРИШ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларда бизнес вакилларининг ўрни ва роли беқиёс.

Тадбиркорлик бу таваккалчилик демақдир. Тадбиркорлик фаолиятидаги хавф-хатарларни холис баҳолаш учун бўлажак тадбиркор ўзининг бошланғич маблағлари ҳисобига бизнесни қуриши жуда ҳам муҳим ҳисобланади. Ўз маблағлари етарли бўлмаганда эса, кредит ва субсидиялар тадбиркорга ёрдамга келади.

Аҳоли (юридик ва жисмоний шахслар) орасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, бандликни таъминлаш ҳамда камбағалликни қисқартириш мақсадида тадбиркорлар учун қулай бизнес шароитлари яратилмоқда. Бу орқали мамлакатимизнинг банд бўлмаган аҳоли қатламини фойдали меҳнатга жалб этиш, яшаш сифатини ошириш мақсад қилинади.

Хусусан, тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорларнинг сони ошишига эришиш ўз-ўзидан туризмни ривожлантириш борасида катта имкониятлар манбаи ҳисобланади.


Ислоҳотлар даврида “маҳалла еттилиги” олдига ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни, шунингдек тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, банд бўлмаган шахсларга қулай тадбиркорлик йўналишларида ўз фаолиятини бошлашда кўмаклашиш асосий мақсадлардан бири сифатида қўйилди.

Ушбу қўлланмада тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланаётган шахсларга эса бизнесини ривожлантириш билан боғлиқ тавсиялар келтирилган.

Қўлланма аҳоли ва маҳалладаги масъул ходимлар учун фойдали ва манфаатли бўлади деб умид қиласиз.


ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуни



SCAN ME

Ўзбекистон Республикасининг "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Қонуни




SCAN ME

Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни




SCAN ME

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги "Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-209-сон фармони




SCAN ME

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги "Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-402-сон қарори




SCAN ME

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2024 йил 3 февралдаги ““Энг
фаол ижтимоий ходим” кўрик-танловини
ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги
ВМҚ-69-сон қарори




 SCAN ME

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2023 йил 19 апрелдаги
“Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт
ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги
ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва
тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги
фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари
тўғрисида”ги ВМҚ-195-сон қарори




 SCAN ME

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги
“Ўзбекистон Республикаси Президентининг
“Тадбиркорлик субъектларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини
такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 28
октябрдаги ПҚ-2646-сон қарорини амалга
oshiриш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ-
66-сон қарори



 SCAN ME

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги “Якка
тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин
бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш
тўғрисида”ги ВМҚ-6-сон қарори



 SCAN ME

БИЗНЕСНИ БОШЛАШ УЧУН АМАЛГА ОШИРИШ ЗАРУР БҮЛГАН ҲАРАКАТЛАР



Тадбиркорлик фаолияти түшүнчеси.
Тадбиркорлик субъектлари.

Тадбиркорликни жадал ва янада көнгө ривожлантириш учун барча шароитларни яратиш бу эң мүхим вазифамиздир.

*Ш. Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолияти мамлакат иқтисодий тараққиётининг асосий таянчларидан бири ҳисобланади. Тадбиркорлик аҳоли учун янги иш ўринлари яратиш, инновацион ғояларни амалга ошириш ва мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришга катта ҳисса қўшади. Шу сабабли, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва уни ривожлантириш учун давлат томонидан қатор ҳуқуқий ва институционал чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бизнесни бошлаш, уни рўйхатдан ўтказиш ва тадбиркорлик фаолиятини тўғри йўлга қўйиш учун тадбиркорлар қонунчиликда белгиланган қоидалар ва талабларга риоя қилишлари зарур. Ушбу жараёнларда тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг фаолиятининг ҳуқуқий асослари мүхим аҳамият касб этади.

Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари




Тадбиркорлик фаолияти – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга оширила-диган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида **даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолияти**дир.



Шунингдек, **тадбиркорлик фаолияти субъектлари** – белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади.

 **Давлат хизматлари марказлари** (кейинги ўринларда – ДХМ) ёки **Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш модули ЯИДХП** (new.birdarcha.uz) орқали юридик шахс ташкил этмаган ёки ташкил этган ҳолда мурожаат қилувчи қуидаги схема бўйича рўйхатдан ўтиши мумкин:



Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	<p>1. Сўровнома Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали расмийлаштирилганда: фирма номини танлаш – юридик шахслар учун; сўровномани тегишли маълумотлар кўrsatilgan ҳолда электрон шаклда расмийлаштириш; давлат божини тўлаш.</p> <p>2. Рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи келиб мурожаат қилинганда: давлат божини тўлаш; тегишли қофоз ҳужжатларнинг асл нусхаларидан бир нусхада тақдим этиш; рўйхатдан ўтказувчи органниниг ходими билан биргаликда аризани тўлдириш.</p>	Ариза берувчининг хоҳишига кўра (реал вақт режимида)

2-босқич

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга кўйишнинг автоматлаштирилган тизими

1. Маълумотларни текшириш, тадбиркорлик субъектининг ноёб идентификаторини бериш.
2. Маълумотларни Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестрига киритиш.
3. Ариза берувчини тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилганини тўғрисида хабардор қилиш.

реал вақт режимида (ариза топширилган пайтдан бошлаб

30 минутдан ошмаган вақтда)

* Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан қайта ўтказиш ушбу схемага мувофиқ қуида белгиланган муддатлардан ошмаган ҳолда амалга оширилади:

30 минутда, устав фонди миқдорининг оширилиши, улушнинг (ҳиссанинг) бошқа шахсга ўтиши билан боғлиқ бўлган давлат рўйхатидан қайта ўтказиш бундан мустасно;

устав фонди миқдорининг оширилиши, улушнинг (ҳиссанинг) бошқа шахсга ўтиши билан боғлиқ бўлган давлат рўйхатидан қайта ўтказилганда 16 иш соатида.

Бу муҳим!

Давлат органлари (қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши қонунчиликда ман этилган бошқа шахслар **тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлиши мумкин эмас!**

Ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини танлаш

Тадбиркорлик фаолиятини бошлашда ташкилотнинг ҳуқуқий шаклини танлаш лозим. Ўзбекистонда тадбиркорлар қуидаги асосий ҳуқуқий шаклларда фаолият юритиши мумкин:

▪ **Якка тартибдаги тадбиркор (ЯТТ).** ЯТТ кўпинча кичик бизнес ва якка тартибда фаолият юритувчи шахслар учун мос келади. Якка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади (*Қўлланманинг 1-иловаси*);

▪ **Оилавий тадбиркорлик** – оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир. Оилавий тадбиркорлик ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланади;

Маълумот учун: оилавий тадбиркорлик **юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган** ҳолда амалга оширилиши мумкин.

▪ **Деҳқон хўжалиги** – мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ёки ижара (иккиламчи ижара) ҳуқуқи асосида деҳқон хўжалиги бошлиғига берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиширишни ва реализация қилишни деҳқон хўжалиги аъзоларининг шахсий меҳнати асосида амалга оширувчи хўжалиқдир;

▪ **Мурожаат қилувчи юридик шахс сифатидаги тадбиркорлик субъектлари** – масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ), хусусий/оилавий корхона, фермер/деҳқон хўжалиги ва бошқа шакллардаги юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишга ариза (*Қўлланманинг 2-иловаси*) қилиш мумкин.

Қайси соҳаларда тадбиркорлик субъектлари кўпроқ фаолият юритган?



Маълумот: Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2024 йилнинг
1 май ҳолатига

МАҲАЛЛАДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ



“Маҳалла еттилиги”.
“Онлайн-маҳалла”.

Ягона йўлимиз – тадбиркорлар сонини кўпайтириш, одамларни ишибилармон қилиш.

Ш. Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



ҲОКИМ
ЁРДАМЧИСИ



МАҲАЛЛА
РАИСИ



СОЛИҚ
ИНСПЕКТОРИ



ХОТИН-ҚИЗЛАР
ФАОЛИ



ИЖТИМОЙ
ХОДИМ



ЁШЛАР
ЕТАКЧИСИ



ПРОФИЛАКТИКА
ИНСПЕКТОРИ



“Маҳалла еттилиги” – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари намунавий тузилмасига киритилган маҳалла раиси раҳбарлигидаги ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори аъзоларидан иборат бўлган гурӯҳ.

Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) **ҳокимларининг ёрдамчилари** маҳаллада **аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш, маҳалла ҳудудида давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркорликни ривожлантириш йўналишларида самарадорликни оширишга қаратилган қўйидаги вазифаларни амалга оширади:**

 маҳалладаги иш билан банд бўлмаган аҳолининг тадбиркорлик ва доимий даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланишини йўлга қўйиш мақсадида уларга иссиқхона қуриш, томорқасини суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғилаш, қишлоқ хўжалиги кооперативига аъзо бўлиш, асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш, бино ва иншоотнинг ижара тўлови ҳамда касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқиши учун субсидиялар олишда тавсия бериш;

 тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган аҳолига оиласвий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар ажратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишида ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш;

 тадбиркорлик ишчи кучига талаб юқори бўлган соҳаларда янги иш ўринларини яратиш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи банд қилишига ёки янги бизнес ғояларини амалга оширишига кўмаклашиш;

 тадбиркорлик субъектларининг мавжуд муаммоларини тезкорлик билан ҳал этиш ва уларнинг фаолиятини кенгайтириш учун зарур чораларни кўриш.

! **Ҳуқуқий асос:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиши чора-тадбирлари тўғрисида"ги ВМҚ-195-сон қарори.



Шунингдек, "маҳалла еттилиги"нинг коллегиал қарорлари асосида тадбиркорлик субъектлариға фаолиятни бошлаш ва ривожлантириш учун бир қатор **ижтимоий ёрдам** ва **субсидиялар ажратилади. Жумладан:**

- ✓ тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан, "Темир дафтар" ва "Аёллар дафтари"га киритилган фуқароларга фаолиятини бошлаш учун керак бўлган асбобускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун 7 миллион сўмгача, (хотин-қизларга 10 миллион сўмгача) субсидия;
- ✓ тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ишсиз фуқароларга тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг дастлабки уч ой мобайнида олинган бино ва иншоотнинг ижара тўловини тўлаш учун БҲМнинг 10 бараваригача субсидия;
- ✓ аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида рўйхатдан ўтган, тадбиркорлик фаолиятини бошлашни хоҳлаётган ишсиз шахсларга – якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш учун, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўtkазиш учун сарфланадиган харажатларни тўлашда БҲМнинг 1 бараваригача миқдорда бир марталик субсидия;
- ✓ оиласий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида жисмоний шахсларга 33 миллион сўмгача, юридик шахсларга эса 300 миллион сўмгача имтиёзли кредитлар;
- ✓ тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун 33 миллион сўмгача кредит.

! Ҳуқуқий асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сон "Маҳалла институтининг жамиятда ги ролини тубдан ошириши ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишида биринчи бўғин сифатида ишишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони.

“Онлайн маҳалла” электрон платформаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари түғрисида” 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ-62-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мазкур электрон платформа республика миқёсидаги барча ҳоким ёрдамчилари, республика вакиллари, туман марказлари ва туман ҳокимликлари, ҳудудий бошқарма ва вилоят ҳокимликларнинг фаолиятини түлиқ рақамлаштириш вазифасини бажаради.

Хусусан, электрон платформа доирасида **ҳоким ёрдамчилари** томонидан:

→ фуқароларнинг “Оилавий тадбиркорлик дастурлари” доирасида кредит олиш учун топширган аризаларни реал вақт режимида кўриб чиқиш;

→ фуқароларни давлат ва нодавлат таълим ташкилотларига касб-хунар ва **тадбиркорлик** йўналиши бўйича ўқитишига **онлайн тавсия** тақдим этиш;

→ фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволи борасида ҳоким ёрдамчиларига таҳлилий маълумотлар тақдим этиш;

→ аҳоли ва **тадбиркорлик субъектлари** томонидан берилган мурожаатлар (ариза, таклиф ва шикоят)ни тегишлилиги бўйича вазирлик ва идораларга етказиш уларнинг ижро ҳолатини **тўлиқ назорат қилиш** имкониятларини беради.

! **Маълумот учун:** Намунавий бизнес лойиҳалари билан <https://oilakredit.uz/public/pages/business-plans> ушбу электрон платформа орқали танишишингиз мумкин.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ



Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси.
Бизнес-омбудсман.

Тадбиркор ислоҳотчи бўлса, ижро органи раҳбарлари ҳам ўрганади, жамият ўзгаради, муҳит ўзгаради.

Ш. Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тадбиркорларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда Бизнес-омбудсман муҳим вазифани бажариб, тадбиркорларнинг ишончли ҳимоя қиласи.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси **тадбиркорлик фаолияти** субъектларини бирлаштирувчи нодавлат нотижорат ташкилотидир.

Палатанинг **вазифалари** қўйидагилардан иборат:

✓ Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, айниқса, ўз фаолиятини йўлга қўйиши даврида қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш, уларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини **ҳимоя қилиш кафолатларини** кучайтириш, хусусий мулк ва тадбиркорликнинг ривожланишига, уларнинг устуворлик ролини, шунингдек дахлсизлигини таъминлашга, мамлакат аҳолисини тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга барча чоралар билан кўмаклашиш;

 **тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги қонунчилик** нормаларини такомиллаштиришга оид таклифларни ишлаб чиқиш, тадбиркорлик субъектларининг ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамоатчилик экспертизасини ташкил этиш ва уларнинг амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш жараёнларига жалб этиш;

 **тадбиркорлик субъектларига** бизнесни ташкил этиш, юритиш ҳамда ривожлантиришда ёрдам кўрсатиш, давлат органлари ва бошқа органларнинг, шунингдек бозор инфратузилмаси субъектларининг барча турдаги хизматларидан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш ва имконият бериш, маслаҳат ёрдами кўрсатиш ҳамда ахборот билан таъминлаш;

 **тадбиркорлик** тузилмалари учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими сифатини ошириш, иқтисодиёт тармоқларининг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда йўналишлар ва ихтисосликлар бўйича ўқув дастурларини ва таълимни такомиллаштириш;

 Ўзбекистон Республикасининг **тадбиркорлик субъектларини** халқаро ишбилармонлик ҳамжамиятияга интеграциялаш, улар маҳсулотларининг ташқи бозорларга чиқарилишини таъминлашда кўмаклашиш, миллий брендларни хорижда илгари суриш, инвестицияларни, шу жумладан чет эл инвестицияларини, шунингдек замонавий технологияларни жалб этиш.



Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил мансабдор шахс бўлиб, у **тадбиркорлик субъектларининг** ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини **ҳимоя қилиш кафолатларини**, мазкур ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларга давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан риоя этилишини таъминлайди.



Агар тадбиркорлик субъектлари устидан текширув назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан белгиланган тартибда **Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил** билан келишилмаганда ёки бу ҳақида хабардор этилмаса, тадбиркор мансабдор шахсларни текширув ўтказиш учун **ўз ҳудудига қўймаслик ҳуқуқига эга!**

ИЛОВАЛАР

1-илова

Вазирлар
Маҳкамасининг
2011 йил 7 январдаги
6-сон қарорига
1-ИЛОВА

Якка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари РЎЙХАТИ*

T/p	Фаолият турининг номи
I.	Чакана савдо:
1.	Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан чакана савдо қилиш (қурилиш материаллари, цемент, шифер, ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари, алкоголли ва тамаки маҳсулотлари, нефть маҳсулотларининг барча турлари, қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар ёхуд бундай материаллар қўлланилган буюмлар, аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурлар, янги импорт автомобиллар, фармацевтика товарларини сотиш бундан мустасно)
2.	Кўчма савдо обьектларида аралаш чакана савдо қилиш (вақтинча жойлашган ва мавсумий ёки мақсадли хусусиятга эга бўлган, шунингдек, иш куни тамом бўлгандан кейин обьектни демонтаж қилиниши ва кўчирилишини талаб этувчи обьектларда)
3.	Деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш
4.	Газеталар, журналлар ва китоб маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш

	5. Товарларни импорт қилиш ва улар билан чакана савдо қилиш (қурилиш материаллари, цемент, шифер, ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари, ўсимлик мойи, алкоголли ва тамаки маҳсулотлари, нефть маҳсулотларининг барча турлари, қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар ёхуд бундай материаллар қўлланилган буюмлар, аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурлар, янги импорт автомобиллар ва фармацевтика товарларини сотиш бундан мустасно), бунда олиб кирилаётган товарларнинг нархи бир ойда 5000 АҚШ доллари эквивалентидан ошмаслик шарти билан
II.	Қонун ҳужжатларида белгиланган рўйхат бўйича ҳунармандчилик фаолияти.
III.	Маишӣ хизматлар, II бўлимда назарда тутилганларидан ташқари:
6.	Сартарошлиқ хизматлари, маникюр, педикюр, косметолог хизматлари ва шунга ўхшаш бошқа хизматлар
7.	Кир ювиш, қуруқ ва кимёвий тозалашни ташкил этиш, шунингдек, дазмоллаш хизматлари
8.	Гилам ва гилам буюмларини таъмирлаш ва тозалаш
9.	Тикув, мўйна, чарм ва трикотаж буюмларни, бош кийимларни ва тўқимачилик галантереясидан тикилган буюмларни таъмирлаш, аҳолининг якка тартибдаги буюртмалари бўйича тикув ва трикотаж буюмларини, бош кийимларини ва тўқимачилик галантереясидан буюмларни тикиш, шу жумладан дераза ва эшик пардаларини тикиш, каштачилик
10.	Ҳайвонлар терилари, мўйна, тўқимачилик, чарм буюмлар ва бошқа буюмларни ошлаш ва бўяш
11.	Аҳолининг якка тартибдаги буюртмалари бўйича пойабзал тикиш, пойабзални таъмирлаш, бўяш ва тозалаш
12.	Атторлик буюмларини тайёрлаш ва таъмирлаш
13.	Бижутерия ва жевакларни тайёрлаш ва таъмирлаш
14.	Калитлар тайёрлаш
15.	Металл ва тунука буюмлар тайёрлаш ва таъмирлаш
16.	Гулчамбарлар (шу жумладан, мотам гулчамбарлари), сунъий гуллар, икебана, гул маржонларини тайёрлаш
17.	Тўсиқлар, ҳайкаллар, металдан ясалган гулчамбарларни тайёрлаш ва таъмирлаш

18.	Ёғочдан эшик, дераза ва бошқа буюмлар (мебелдан ташқари) тайёрлаш
19.	Инвентарни (хўжалик, спорт, балиқчилик ва ҳоказо) таъмирлаш ва тайёрлаш
20.	Кесувчи буюмлар ва асбобларни чархлаш
21.	Тайёр мебелни йиғиш, таъмирлаш ва драпировка қилиш
22.	Мусиқа асбобларини таъмирлаш ва созлаш
23.	Якка буортма бўйича қимматбаҳо металлардан ва тошлардан заргарлик буюмларини ясаш, шунингдек, заргарлик буюмларини таъмирлаш
24.	Оптика, соатларни таъмирлаш ва металл, пластмасса, сопол, фаянс, тош, картондан маҳсулотларда ўймакорлик ишлари (қавариқ ёзувлар ва тасвиirlар тушириш)
25.	Радиоэлектрон аппаратлар, майший машиналар, майший приборлар, офис машиналари ва ҳисоблаш техникасини таъмирлаш, ўрнатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш
26.	Транспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, шу жумладан, транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш хизматларининг бошқа турлари (акустик тизимлар ва қўриқлаш сигнализацияларини таъмирлаш ва ўрнатиш, полировкалаш, кузовга ҳимоя ва безак қопламаларини қоплаш хизматлари)
27.	Санитария-техника хизматлари ва пайвандлаш ишлари
28.	Шиша ва ойналарни кесиш, шишага бадиий ишлов бериш
29.	Биноларга ойна ўрнатиш хизматлари
30.	Жамоат ҳожатхоналари хизматлари
31.	Ҳаммол ва сауна хизматлари
32.	Турар жойларни йиғишириш хизматлари
33.	Ҳовлилар ва боғларга қараш хизматлари, шунингдек, қўкаламзорлаштириш ишлари
34.	Боғлар, полизлар ва дов-дараҳтларни зааркундалар ва касалликлардан ҳимоя қилиш
35.	Видео ва фотосуратга олиш хизматлари

36.	Хўжалик моллари ва уй-рўзғор буюмларини (мебель, идиш-товоқлар, хўжалик, спорт, балиқчилик анжомлари, майший техника, приборлар ва бошқаларни) ижарага бериш
37.	Оилавий меҳмон уйлари ва хостелларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этиш
IV	Фаолиятнинг бошқа турлари:
38.	Қадоқлаш ускуналаридан фойдаланмаган ҳолда уй шароитида миллий ширинликлар, қандолат маҳсулотлари, қуртни тайёрлаш ва сотиш
39.	Миллий нон ва патир тайёрлаш ва сотиш
40.	Попкорн, фрезерда музқаймоқ, салқин ичимликлар, айрон ва гўжа тайёрлаш ва қуиб сотиш
41.	Салатлар ва тузламалар тайёрлаш ва сотиш, шунингдек уй шароитида доналаб сотиладиган таомларнинг айрим турларини тайёрлаш ва ўтириш жойлари ташкил этмасдан ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан ажратилган маҳсус жойларда сотиш
42.	Ўлчов воситалари тайёрлаш ва уларни прокатга бериш
43.	Аҳоли учун турар ва нотурар жойларни таъмирлаш бўйича хизматлар
44.	Репетиторлик хизматлари
45.	Таржима хизматлари, таҳрир хизматлари
46.	Болаларнинг ўйинчоқ автоматлари билан боғлиқ хизматлар
47.	Ахборотнинг криптографик ҳимояси воситаларини лойиҳалаш, яратиш, ишлаб чиқариш, сотиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш
48.	Дизайн бўйича хизматлар (график, интеръер, мебель ва ҳоказолар), шунингдек, чизмачилик-графика ишлари, шунингдек, рассомлик санъати
49.	Компьютер дастурларини ишлаб чиқиш хизматлари, компьютер ўйинларини ташкил этиш, шунингдек, компьютер ёрдамида матнларни териш ва босиб чиқариш хизматлари, матндан нусха олиш ва кўпайтириш билан боғлиқ хизматлар
50.	Ташриф қоғозлари ва таклифнома билетларини тайёрлаш ва босиш
51.	Муқовалаш ишлари
52.	Рекламани ишлаб чиқиш ва жойлаштириш

53.	Суғурта агентлари томонидан күрсатыладын хизматлар
54.	Концерт-томуша фаолиятини амалга ошириш
55.	Тантанали маросимларни ташкил этиш хизматлари (түй, юбилей, туғилган кун ва ҳоказолар)
56.	Күйлак ва костюмларни, шунингдек, уларга аксессуарларни прокатта бериш
57.	Ижтимоий хизматлар (болалар, беморлар ва кекса кишиларга қараң хизматлари)
58.	Жисмоний тарбия-соғломлаштириш фаолияти (шнейпинг, аэробика, спорт секциялари, саломатлык гурұхлари), тренерлик хизматлари
59.	Тұғаралар ташкил этиш ва юритиш
60.	Давлат-хусусий шерикликнинг оиласын нодавлат мектебінде таълим ташкилотларини моддий-техник ва услубий жиһатдан таъминлаш шакли асосида ташкил этилған оиласын нодавлат мектебінде таълим ташкилотлари фаолияти
61.	Тулумни шишириш хизматлари (таксидермик ишлар)
62.	Тегирмөнларда донни майдалаш (тозалаш) хизматлари
63.	Мол сүйиш хизматлари
64.	Үй ҳайвонларига қараң хизматлари
65.	Ветеринария фаолияти
66.	Юкларни автомобиль транспортида тасиши
67.	Йүловчилар ва юкларни дарё транспортида тасиши
68.	Үсимлик, ҳайвонлар ва минераллардан тайёрланған доривор хом ашёни етиштириш, йиғишиштириш, тайёрлаш ва сотиши
69.	Гуллар ва декоратив дәрахтлар етиштириш ва сотиши (шу жумладан бонсай санъати)
70.	Аквариум балиқлари, декоратив құшлар ва бошқа ҳайвонларни күпайтириш ва сотиши
71.	Шиша идишлар ва иккиламчи хом ашёни қабул қилиш хизматлари (металл чиқындиларидан ташқари)
72.	Риэлторлық фаолияти

73.	Жисмоний ва юридик шахсларга маҳсус ва қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланган ҳолда хизматлар кўрсатиш
74.	Ташкилотлар учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёrlаш бўйича хизматлар
75.	Илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар учун пудрат шартномаси бўйича ишларни бажариш
76.	Матрицали принтерлар ва алфавит-рақам босма қурилмалар учун бўёвчи тасмаларни тайёrlаш ва қайта ишлаш
77.	Қоғозлар ва скоросшивателлар учун конвертлар, папкалар тайёrlаш
78.	Телекоммуникациялар операторларига, провайдерларига воситачилик хизматлари кўrсатиш (абонентлар ёки хизматлар кўrсатувчиларга маълумот-ахборот хизмати кўrсатиш, хизмат кўrсатувчиларнинг хизматлари учун тўловларни қабул қилиш)
79.	Пахта (илгари истеъмолда бўлган) ва жун тозалаш ҳамда титиш хизматлари
80.	Туристик фаолият — турагентлик ва экскурсия хизматлари, шунингдек, гидлар (гид-таржимонлар), экскурсия етакчилари ва йўриқчи-йўл бошловчилар хизматлари
81.	Дурадгорлик ишлари (аҳоли буюртмалари бўйича дурадгорлик ишларини амалга ошириш)
82.	Металлни таъмирлаш ишлари (уй шароитида металldан тайёrlangan майший буюмларни таъмирлаш (калитларнинг дубликатларини тайёrlаш, соябонларни таъмирлаш, бошқа майший металл буюмларни оддий таъмирлаш)
83.	Ёғоч меъморчилиги (болалар майдончалари ва парк зоналари учун ёғочдан ясалган қурилмалар, ҳайкаллар)
84.	Газламаларга нақшлар солиш (газламалар ва кийим ашёларини қўлда бўяш, газламаларга, шу жумладан трафаретли босма ва қўлда расм чизиш усули билан расмлар солиш)
85.	Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш
86.	Туристларга уй-жойни қисқа муддатга ижарага бериш (30 кунгача)
87.	Давлат хизматлари кўrсатишда агент сифатида иштирок этиш
88.	Кўп квартирали уйни бошқариш (малака (аттестация) сертификатига эга бўлганлар)

89. Кадастр муҳандислари томонидан кўрсатиладиган хизматлар

*Изоҳ. Маълумот 2024 йил 8 июль ҳолатига амал қиласди.

Агар якка тадбиркор фаолиятнинг асосий турига нисбатан ёрдамчи ҳисобланган фаолиятни амалга оширса, қатъий белгиланган солиқ фаолиятнинг бир тури учун тўланади.

Ушбу рўйхатга киритилган фаолият турлари юридик шахс шаклидаги тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ушбу рўйхат доирасида ўз фаолиятини амалга оширадиган якка тартибдаги тадбиркорлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишилари мумкин.

2-илова

Тадбиркорлик субъектини – юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказишга

АРИЗА

I.	Умумий маълумотлар
	Куйидаги сифатида давлат рўйхатидан ўтказишингизни сўрайман:
1-1.	<input type="checkbox"/> акциядорлик жамияти (қисқартирилган аббревиатура — AJ):
1-2.	<input type="checkbox"/> масъулияти чекланган жамият (MCHJ);
1-3.	<input type="checkbox"/> қўшимча масъулиятли жамият (QMJ);
1-4.	<input type="checkbox"/> оиласвий корхона (OK)
1-5.	<input type="checkbox"/> тўлиқ ширкат (TSH):
1-5.	<input type="checkbox"/> коммандит ширкат (KSH);
1-7.	<input type="checkbox"/> уиитар корхона (UK);
1-8.	<input type="checkbox"/> давлат унитар корхонаси (DUK);
1-9.	<input type="checkbox"/> ҳусусий корхона (XK);
1-10.	<input type="checkbox"/> ишлаб чиқариш кооперативи (IK);
1-11.	<input type="checkbox"/> фермер ҳўжалиги (FX);
1-12.	<input type="checkbox"/> юридик шахс ташкил этган деҳқон ҳўжалиги (DX);

1-	<input type="checkbox"/> юридик шахс ҳуқуқи билан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона								
13.	<input type="checkbox"/> филиали;								
1-	<input type="checkbox"/> чет эл капитали иштирокидаги корхона								
14.									
	1-14-1. <input type="checkbox"/> қуийдаги ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги:								
1-	<input type="checkbox"/> тадбиркорлик субъектининг — юридик шахснинг бошқа шакли;								
1- 16:	<input type="checkbox"/> Қуийдаги ўўл билан тузилаётган:	1-16-1. <input type="checkbox"/> таъсис этиши:							
		1-16-2. <input type="checkbox"/> қуийдаги шаклда қайта ташкил этилаётган:							
	1-16-2-1. <input type="checkbox"/> қайта тузиш;		1-16-2-2 <input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/> ажратиб чиқариш;	1-16-2-3. <input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/> бўлиш;			
	1-16-2-4. <input type="checkbox"/> қўшиб юбориш;		1-16-2-5 <input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/> бирлаштириш;					
	1-16-2-6. <input type="checkbox"/> бир вақтнинг ўзида бирлаштириш билан бўлиш:								
	1-16-2-7. <input type="checkbox"/> бир вақтнинг ўзида бирлаштириш билан ажратиб чиқариш;								
	1-16-2-8. <input type="checkbox"/> бир вақтнинг ўзида қўшиб юбориш билан бўлиш:								
	1-16-2-9. <input type="checkbox"/> бир вақтнинг ўзида қўшиб юбориш билан ажратиб чиқариш.								
1- 17.	Ташкил этилаётган юридик шахснинг мулкчилик шакли:	1-17-1. <input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/> хусусий;	1-17-2. <input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/> оммавий (давлат).				
1- 18.	Юридик шахсни таъсис этиши тўғрисида қарор қабул қилган орган:								
1- 18-1.	Қарор қабул қилинган сана:	1 1-18-1-1. <input type="checkbox"/>	Кун:		1-18-1-2. <input type="checkbox"/>	Oй:		1-18-1-3. <input type="checkbox"/>	Йил:
1- 18-2.	Юридик шахснинг устав фондида давлат улушининг мавжудлиги:						Бор <input type="checkbox"/>	Йўқ <input type="checkbox"/>	

1-19.	Директор (директор функцияларини бажарувчи шахс) (Ф.И.О):		
1-19-1.	Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР) (мавжуд бўлганда):		
1-19-2.	Паспорт маълумотлари (серия. Рақам, берилган сана, ким томонидан берилган):		
1-19-3.	Жинси:	аёл	эркак
1-20.	Солиқ солиши тизими:	Айланмадан олинадиган солиқ	Кўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғи.
1-20-1.	Ихтиёрий асосда кўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида рўйхатга олиш (фақат янги ташкил этилаётган юридик шахслар учун):	ҳа	йўқ
1-20-2.	Янги ташкил этилаётган юридик шахслар учун электрон рақамли имзо олиш:	ҳа	йўқ
1-изоҳ:	<p>1) мазкур бўлим 1-1 дан 1-13 гача бандларда кўрсатилган ташкилий-ҳуқуқий шаклни белгилаш йўли билан тўлдирилади. Зарур бўлган ташкилий-ҳуқуқий шакл мавжуд бўлмаганида 1-15-банд белгиланади ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган боиқа ташкилий-ҳуқуқий шакл кўрсатилади;</p> <p>2) 1-14-1-банд очиладиган менюдан тегишли ташкилий-ҳуқуқий шакл бандининг рақамини (1-1 — 1-12) ёки чет давлат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ташкилий-ҳуқуқий шаклни белгилаш йўли билан тўлдирилади;</p> <p>3) 1-16-банд тегишли катакни белгилаш йўли билан тўлдирилади;</p> <p>4) 1-7-банд тегишли катакни белгилаш йўли билан тўлдирилади. Бунда 1-8-банд белгиланганда 1-17-1-банд танланиши мумкин эмас;</p> <p>5) тадбиркорлик субъекти — юридик шахс 1-4, 1-5, 1-6, 1-7, 1-9, 1-10, 1-11, 1-12 ва 1-15-бандларда назарда тутилган ташкилий-ҳуқуқий шакл билан оммавий (давлат) мулкчилик шаклида тузилиши мумкин эмас;</p> <p>6) 1-18-банд таъсис ҳужжатлари билан ушбу ҳаракатларни амалга оширишига ваколат берилган тадбиркорлик субъекти органининг, ёхуд қонун</p>		

	хужжатларида назарда тутилган, тадбиркорлик субъектини — юридик шахсни таъсис этиши тўғрисидаги қарорни қабул қилган бошқа орган номини кўрсатиш йўли билан тўлдирилади
II.	Янгидан ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектининг — юридик шахснинг фирмаси номи
ДИҚҚАТ! ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИНИНГ – ЮРИДИК ШАХСНИНГ ФИРМА НОМИНИ ТАНЛАШДА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ИНОБАТГА ОЛИШ ЗАРУР.	
Фирма номида:	
1) давлатнинг расмий номи, халқаро, ҳукуматлараро ёки нодавлат нотижорат ташкилотининг қисқартирилган ёки тўлиқ номи;	
2) тарихий ёки Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган шахснинг тўлиқ ёки қисқартирилган исми, белгиланган тартибда бериладиган рухсатсиз:	
3) фирма номининг эгаси, унинг фаолият тури ёки у келиб чиққан мамлакат хусусидаги сохта ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилар;	
4) жамоат манбаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ тамойилларига зид бўлган белгилар кўрсатилмаслиги керак.	
Фирма номида:	
илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа юридик шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиши сўраб буюртманома берилган, илгарироқ устуворликка эга бўлган фирма номлари;	
илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиши сўраб буюртманома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай муҳофаза қилинадиган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);	
белгиланган тартибда ҳаммага маълум деб эътироф этилган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);	
белгиланган тартибда қонун ҳужжатлари билан муҳофаза қилинадиган товарлар келиб чиққан жойларнинг номлари билан, шундай номдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номига рўйхатдан ўтказиши ҳоллари бундан мустасно, адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга ўжашаш бўлган белгилар ҳам кўрсатилмаслиги керак.	
1-бандда кўрсатиб ўтилган белгилар, агар бунга тегишли давлат органининг ёки ташкилотининг рухсати бўлса, фирма номига киритилиши мумкин.	
(«Фирма номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунинг 4-моддаси).	

Ўзга фирма номидан ғайриқонуний суратда фойдаланаётган шахс фирма номига эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган шахснинг талаби билан ундан фойдаланишини тўхтатиши ҳамда етказилган заарларни тўлаши лозим.

(Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 46-моддаси).

2-1.	<input type="checkbox"/>	Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Фирма номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик шахсларнинг номлари ва рамзларида давлатнинг расмий номидан фойдаланишини тартибга солиши чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 11 октябрдаги 286-сон қарори билан белгиланган, юридик шахсларнинг фирма номларида белгилардан фойдаланишга доир талаблар билан танишман ва уларга риоя этиши мажбуриятини ўз зинмамга оламан.								
2-2.	Юридик шахснинг тўлиқ номи:									
2-3.	Юридик шахснинг қисқартирилган номи:									
2-4.	Юридик шахслар номлари ва рамзларида давлатнинг расмий номига кўрсатмалардан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатнинг номи:									
2-4-1.	Ҳужжат рақами:									
2-4-2.	Ҳужжат санаси: 2-4-2-1. Кун: 2-4-2-2. Ой: 2-4-2-3. Йил:									
III. Муассислар тўғрисидаги маълумотлар										
3-1.	Муассислар сони:			дона. шу жумладан:						
	3-1-1. юридик шахслар:			дона;	3-1-2.	Жисмоний шахслар:			тона.	
3-2.	Муассиснинг — юридик шахснинг номи:									
	давлат иштироки мавжуд _____;			давлат иштироки мавжуд эмас _____;						

3-3.	<i>Муассис — юридик шахс Солиқ түловчининг идентификация рақами (СТИР):</i>													
3-4.	<i>Муассис — жисмоний шахс Солиқ түловчининг идентификация рақами (СТИР):</i>													
3-4-1.	<i>Муассис фамилияси:</i>													
3-4-2.	<i>Муассис исми:</i>													
3-4-3.	<i>Муассис отасининг исми:</i>													
3-4-4.	<i>Түғилган санаси:</i>	3-4-4-1.	<i>Кун:</i>	3-4-4-2.	<i>Ой:</i>		3-4-4-3.	<i>Йил:</i>						
3-4-5.	<i>Жинси:</i>	3—4-5-1.	<input type="checkbox"/> <i>Эркак:</i>		3-4-5-2.	<input type="checkbox"/> <i>Аёл.</i>								
3-4-6.	<i>Паспорт серияси:</i>		3-4-7.	<i>Паспорт рақами:</i>										
3-4-7.	<i>Берилган санаси:</i>	3-4-7-1.	<i>Кун</i>	3-4-7-2	<i>Ой:</i>		3-4-7-3.	<i>Йил:</i>						
3-4-8.	<i>Паспорт ким томонидан берилган:</i>													
3-5.	<i>Таъсисчилар жойлашган жой:</i>													
3-5-1.	<i>Кўча:</i>		3-5-1-1.	<i>Боши берк кўча №:</i>		3-5-1-2.	<i>Top кўча №</i>							
3-5-2.	<i>Уй №:</i>		3-5-3	<i>Квартира №:</i>										
3-5-4.	<i>Шаҳар:</i>													
3-5-5.	<i>Посёлка:</i>													
3-5-6.	<i>Қишлоқ (овул):</i>													

3- 5-7.	Туман:	
3- 5-8.	Вилоят:	
3- 5-9.	Республика (мамлакат):	
3- 5- 10.	Почта индекси:	
3- 5- 11.	Электрон почта манзили:	
3- 5- 12.	Алоқа қилинадиган телефон (коди билан):	
2- изоҳ:	<p>1) 3-2, 3-3 ва 3-4-бандлар барча муассислар бўйича тўлдирилади. Зарур бўлганда муассислар тўғрисидаги маълумотларни кўрсатиши учун тўлдириладиган майдонлар сони тегишли бандларни қўшиши йўли билан кўпайтирилиши мумкин;</p> <p>2) муассислар — юридик шахслар СТИРи мавжуд бўлмаганида 3-5-1 дан 3-5-12 гача бўлган бандлар, муассислар — жисмоний шахслар СТИРи мавжуд бўлмаганида 3-4-1 дан 3-5-12 гача бўлган бандлар тўлдирилади;</p> <p>3) 3-5-1 дан 3-5-10 гача бўлган бандлар очиладиган менюдан тегишли маълумотларни танлаш йўли билан тўлдирилади. Бунда муассислар жойлашган жой Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган бўлса, мазкур бандлар мустақил равишда тўлдирилади</p>	
III¹.	<p>Юридик шахснинг бенефициар мулкдори тўғрисида сўровнома</p> <p>Бенефициар мулкдор — таъсис этилаётган юридик шахс мол-мулкининг ҳақиқий эгаси ёки ариза берувчини ҳақиқатда назорат қилувчи ёхуд манфаати кўзланган ҳолда нуткази маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция амалга оширилаётган жисмоний шахс.</p>	
	Юридик шахснинг номи	
	Юридик шахснинг СТИРи	
	Юридик шахснинг бенефициар мулкдори тўғрисида	
	Фамилияси, исми ва отасининг исми	
	Туғилган санаси*	

	<i>Фүқаролиги*</i>							
	<i>Яшаши жойи*</i>							
<i>Шахсини тасдиқловчи ҳужжат тұғрисида маълумотлар*</i>	<i>Номи</i>							
	<i>Хужжат серияси ва рақами</i>							
	<i>Берилған санаси</i>							
	<i>ЖИШШИР*</i>							
	<i>Алоқа учун телефон рақамлари*</i>							
	<i>Электрон почта манзили*</i>							
IV.	<i>Ташкилот тұғрисидаги маълумотлар</i>							
4-1.	<i>Бұлинаётгап, қайта тузилаётгап юридик шахснинг ёки таркибидан янгидан ташкил этилаётгап юридик шахс ажралиб чиқаётгап юридик шахснинг, Солиқ тұловчининг идентификация рақами (СТИР):</i>							
4-2.	<input type="checkbox"/> <i>Ушбу билан барча кредиторлар юридик шахс қайта ташкил этилаётгаплиги тұғрисида ёзма хабардор қилинганды тасдиқланади.</i>							
4-3.	<i>Қайта ташкил этиши тұғрисидаги хабарга ҳавола (гиперхавола) қуийдагиларда жойлаштирилган:</i>							
4-3-1.	<i>Ягона порталда:</i>							
4-3-2.	<i>Корпоратив веб-сайтда:</i>							
4-3-3.	<i>Корпоратив ахборот ягона порталыда:</i>							
4-4.	<i>Қайта ташкил этиши тұғрисидаги хабар рақами:</i>							
4-5.	<i>Эълон қилинган сана:</i>	10-3-1. Кун:			10-3-2 Ой:		10-3-3 Йил:	
3-изоҳ:	<i>1) қайта ташкил этиши тұғрисидаги хабар Тадбиркорлик субъектларини давлат рүйхатидан үтказыш тартиби тұғрисидаги Низомга 10-иловага мувофиқ шакл бүйічә эълон қилинади</i>							

	2) 4-3-2 ва 4-3-3-банлар акциядорлик жамиятлари қайта ташкил этилган тақдирида түлдирилади, бунда 4-3-1-банда түлдирilmайди.																
V.	Янгидан ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектининг — юридик шахснинг жойлашган жойи (почта манзили)																
5-1.	Муассиснинг манзили ва кадастр рақами бўйича	<input type="checkbox"/>	(манзил акс эттирилади)	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
5-2.	Янгидан ташкил этилаётган юридик шахс жойлашган манзил бўйича муассиснинг СТИРи							1	2	3	4	5		7	8	9	
5-3.	Бошқа манзил ва кадастр рақами бўйича:	<input type="checkbox"/>	(манзил акс эттирилади)	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
5-3-1.	Махалла номи		(маҳалла поми акс эттирилади)			5-3-2.		Сектор рақами		(сектор рақами акс эттирилади)							
5-3-3.	Кўча:		5-3-3-1.		Боши берк кўча №		5-3-3-2	Тор кўча №									
5-3-4.	Уй №		5-3-5.		Квартира №												
5-3-6.	Шаҳар																
5-3-7.	Посёлка:																
5-3-8.	Қишлоқ (овул):																
5-3-9.	Туман:																
5-3-10.	Вилоят:																
5-3-11.	Республика:																
5-3-12.	Почта индекси:																
5-3-13.	Электрон почта манзили:																

5-3- 14.	Интернет тармоғы веб-сайт:											
4-изоҳ	1) 5-1 ва 5-3-банлар тегишили катаклардан бирини белгилаш йўли билан тўлдирилади. 5-3-бандни танланганда муассиснинг манзилидан фарқ қилувчи жойлашган жой кўрсатилган ҳолда 5-3-1 даи 5-3-12 гача бўлган банлар қўшимча равишда тўлдирилади; 2) 5-3-1 дан 5-3-10 гача бўлган банлар очиладиган менюдаги тегишили маълумотларни танлаш йўли билан тўлдирилади; 3) 5-3-11 дан 5-3-12 гача бўлган банлар тегишили электрон манзили ва веб-сайт мавжуд бўлганда тўлдирилади; 4) 5-3. банди тўлдирилганда ижарага берилаётган объект эгасининг кафолат хати ушбу аризага электрон кўринишда илова қилинади.											
VI.	Тадбиркорлик фаолиятинг тури											
6-1.	Асосий фаолият тури:											
6-2.	Қўшимча фаолият тури:											
VII.	Тахмин қилинаётган рўйхатдаги ходимлар сони											
7-1.	Тахмин қилинаётган ходимлар сони:											
5-изоҳ:	7-1-банда шунингдек ўриндошлиқ асосида, пудрат шартномалари ва бошқа фуқаролик-хуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишга қабул қилиниши режалашибтирилаётган ходимлар сони кўрсатилади. Оилавий тадбиркорлик ташкил этилганда оилавий корхона иштирокчиларининг энг кам сони (2 кишидан кам бўлмаган) кўрсатилади.											
VII¹.	Ходимларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиши (Ихтиёрий асосда тўлдирилади. Ҳар бир ходим учун алоҳида тўлдирилиши лозим):											
	1. Фамилияси:											
	2. Исли											
	3. Отасининг исми:											
	4. Жинси:											
	5. Тутилган санаси:											
	Кун	ој										йил

	6. Түғилган жойи:				
	6.1. Вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри):				
	6.2. Туман (шаҳар):				
	6.3. Аҳоли пункти:				
	7. Сўровнома тўлдирилган санада яшаш (доимий яшаш жойи) жойи:				
	7.1. Вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри)				
	7.2. Туман (шаҳар)				
	7.3. Аҳоли пункти:				
	7.4. Кўча:				
	7.5. Уй рақами:				
	7.6. Хонадон рақами:				
	8. Паспорт маълумотлари:				
	8.1. Серияси:		8.2. Рақам		
	8.3. Берилган вақти:		кун	оўй	йил
	8.4. Берилган жойи:				
VIII.	Устав фонди тўғрисидаги маълумотлар				
8-1.	Устав фондининг миқдори:	8-1-1.	<input type="checkbox"/>	сўмда:	
		8-1-2.	<input type="checkbox"/>	АҚШ долларида:	
		3-1-5.	<input type="checkbox"/>	еврода:	
8-2.	Муассисларнинг устав фондидағи улуши:				
8-2-1.	Муассиснинг номи:			Устав фондига бадал:	Улущ %да
		<input type="checkbox"/>	сўмда:		
		<input type="checkbox"/>	АҚШ долларида:		
		<input type="checkbox"/>	еврода:		
8-2-2.	Муассиснинг номи:			Устав фондига бадал:	Улущ %да

		<input type="checkbox"/> сўмда:		
		<input type="checkbox"/> АҚШ долларида:		
		<input type="checkbox"/> еврода:		
8-3.	Акциялар сони, номинал қиймати ва тури тўғрисидаги маълумотлар — акциядорлик жамиятлари учун:			
8-3-1.	оддий акциялар сони:			дона
8-3-2.	оддий акцияларнинг номинал қиймати:			
		<input type="checkbox"/> сўмда:		
		<input type="checkbox"/> АҚШ долларида:		
		<input type="checkbox"/> еврода:		
8-3-3.	имтиёзли акциялар сони:			
8-3-4.	имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати:			
		<input type="checkbox"/> сўмда:		
		<input type="checkbox"/> АҚШ долларида:		
		<input type="checkbox"/> еврода:		
6-изоҳ:	1) 8-1-банд юридик шахсларнинг тегишили ташкилий-хуқуқий шакллари бўйича устав фондининг энг кам миқдорига доир талабларга мувофиқ устав фонди миқдорини (Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиши тартиби тўғрисидаги Низомга 11-илова) кўрсатиш ва тегишили катакни белгилаш йўли билан тўлдирилади. Зарур бўлганда муассислар тўғрисидаги маълумотларни кўрсатиш учун тўлдириладиган майдонлар сони 3-1-бандга мувофиқ тегишили бандлар қўшиши йўли билан кўпайтирилиши мумкин.			
IX.	Илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати			
9-1.	Таъсис ҳужжатлари:	9-1-1. <input type="checkbox"/> устав;	9-1-2. <input type="checkbox"/> таъсис шартномаси;	
9-2.	<input type="checkbox"/> Топшириши далолатномаси қўшиб юбориши шаклида қайта ташкил этилганда.			

9-3.	<input type="checkbox"/> Тақсимлаш баланси бўлиши ва ажратиб чиқариши шаклида қайта ташкил этилганда.										
8-изоҳ:	Ушибу бўлим тегишли катакларни танлаш ва белгилаш йўли билан тўлдирилади. Бунда аризага белгиланган ҳужжатлар това қилинади.										
X.	Бошқа маълумотлар										
10-1.	Ариза топширилган сана:	10-1-1.	Кун:			10-1-2.	Ой		10-1-3.	Йил	
10-2.	Аризага топширилган вақт:	10-2-1.	соат:			10-2-2.	дақиқа:				
10-3.	Ариза берувчи тўғрисидаги маълумотлар:										
10-3-1.	<input type="checkbox"/> Ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектининг — юридик шахснинг мулк.чори (муассиси):										
10-3-2.	<input type="checkbox"/> таъсис ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектининг юридик шахснинг номидан ҳаракат қилишига ваколатли бўлган бошқа шахс.										
10-3-3.	Ариза берувчининг фамилияси:										

*агар шундай маълумотга эга бўлсангиз

Сўровномада келтирилган барча маълумотлар тўғри ва хаққонийдир, агар бенефициар мулкдор ўзгарганда маълумот тақдим этилади.

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДАГИ ФОЙДАЛИ ҲАВОЛАЛАР



“Бизнесга маслаҳат”
интерфаол ахборот портали



Ўзбекистон Республикаси
Савдо-саноат палатасининг
сайти



Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Тадбиркорлик
субъектларининг ҳуқуқлари
ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилиш бўйича
вакилининг сайти



ЯИДХП порталининг
тадбиркорлик субъектларини
рўйхатидан ўtkазиш модули